

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
6 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 89 (12621)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Обод турмуш йили

МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

Кейинги икки йилда Чиноз туманида 77 та намунавий тураржой эгаларига топширилди. Яна 76 та уй қурилиши бирин-кетин тугалланмоқда. Барча қулайликларга эга бу уйлари қуришда "33-хўжалиқларро механизациялашган кўча колонна" масъулияти чекланган жамиятининг муносиб ҳиссаси бор.

160 курувчи меҳнат қилаётган жамоа сўнгги йилларда ҳавас қилгулик бинолар курди. Хусусан, Туркистон кишлоғидаги "Маданият" ва Чиноз кишлоғидаги "Гулзоробод" маҳаллалари, Ўзбекистон кишлоғидаги "Чорвадор" бўлимида қад ростлаган намунавий тураржойлар пишк-пухта ва кўркамлиги билан ажралиб турибди. Шунингдек, 6 та коллеж, 20 та мактаб, 2 та мусика ва санъат мактаби, 5 та қишлоқ врачлик пунктлари ҳам аҳолига беминнат хизмат қилиш ба-робарида, туман чиройи-га-чирой қўшмоқда.

– Сафимизда малакали, жонқур курувчилар кўп, – дейди МЧЖ раҳбари Аҳмадали Худойбергандов. – Шу боис ташкилотимиз фаолиятида ўсиш кузатиляпти. Чунончи, 2011 йилда 3 миллиард 357 миллион сўмлик иш бажарган бўлсак, кейинги йили бу рақам 183 миллион сўмга ошди. Ташкилотнинг бундай натижаларга эришишида бригада бошлиғи Олимжон Эломоновнинг хизматлари катта.

Фаолиятини Мансур Янгибоевга шогирдликда гишт терувчиликдан бошлаган Олимжон Эломонов қизиқувчанлиги, интилувчанлигидан касбининг мохир устасига айланди. Анвар Аскарқовдан дурдорлик, Умар Бойматовдан ишни ташкиллаштириш сирларини ўрганди. Энди 24 йиллик фаолияти давомида орттирган бой тажрибасини шогирдлари Шерзод ва Ганишерларга ўргатмоқда.

– Меъморнинг хато қилишига ҳаққи йўқ, – дейди О. Эломонов. – Қурилиш жараёнида қилинган биргина хато жуда қimmatга тушиши мумкин. Шунинг учун курувчи ҳам билимли, ҳам саботли бўлиши керак.

Эломоновнинг меҳнатларини ҳуқуқимиз юксак кадрлаб, "Дўстлик" ордени билан мукофотлади. Бу нафақат Олимжон Эломонов, балки "33-механизациялашган кўча колонна" фаолиятига берилган юксак баҳоидир.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



СУРАТДА: Олимжон Эломонов (ўнгдан иккинчи) ҳамкасблари билан.

Даврон АХМАД олган сурат.

Долзарб мавзу

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, агар одамзот бу дунёда руҳдан пок, иродаси бақувват, имони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, ҳаётининг маъносини қолмайди. Умрининг ибтидосидан интиҳосигача инсонларча яшаб ўтиш учун кишига юксак маънавият зарур. Юксак маънавият эса юқорида таъкидлаганимиздек, имон, виждон, ирода ва поклик маҳсули сифатида бутун умр давомида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради.

МАЪНАВИЯТГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

"Умуман олганда, инсоният тарихи маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрати манбаи эканини, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-оқибат, бахт ва саодат бўлмаглигини яққол тасдиқлайди. Уйлаймизки, ер юзидан қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор. Маънавиятни тушу-

ниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак" дейилади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарига. Демак, маънавият шундай олий ва туганмас манба экан, инсоният бутун умри давомида маънавий бойликка эришиш мақсадини биринчи ўринга қўйиб яшамоғи лозим.

(Давоми 2-бетда).

ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ – КЕНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Мамлакатимизнинг ҳам-дўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Ижтимоий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Минск шаҳрида бўлган мажлисида сўзлаган нутқида ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида амалдаги савдо-режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш масаласига қўйиб, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Макроиктисодий барқарорлиги ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланмоқда. Саноат корхоналарининг модернизация қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар жорий этилаётгани самарасида жаҳон бозорига харидорлиқ, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг маҳсулотларини экспорт қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 8 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу

борада яна бир муҳим қадам бўлди. Маъмурият қарорга мувофиқ ташкил этилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси хорж бозорларидаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш орқали юртимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш, экспорт операцияларини амалга оширишга қўмаклашди.

Мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий соҳа тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилган, экспорт қилувчи корхоналар учун бир қатор имтиёз ва афзалликлар берилган. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарнинг фойда ва мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови умумий соҳа тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Бу борадаги ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида янги ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 15,9, чакана савдо айланмаси 14,7 фоизга ошди. Импорту ўрнини босиш самарадорлиги 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, рақобатбардор маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида 469 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат янги ички маҳсулотидagi ўлиши 51,2 фоизга, экспортдаги ўлиши 19,1 фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда).

«РОБИ РРР» МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Зангиота туманидаги Чигато-Окпепа кишлоғида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, туман иқтисодиётига ҳисса қўшаётган хусусий корхоналар кўп.

Жумладан, "Роби РРР" хусусий корхонаси очик майдондаги экинлар ва иссиқхоналар учун мулжалланган полиэтилен плёнкалари ишлаб чиқармоқда. Сифатли ҳамда турли ҳажм ва қалинликдаги маҳсулотлар узок муддат хизмат қилиши туфайли мамлакатимиз пахтакору деҳқонларининг ишончини қозонган.

Ҳозир жамоа янги маҳсулот – турли катталиқдаги полиэтилен халталар ишлаб чиқармоқда. Улар пишк-пухта билан харидорлиқ бўлиб бораёпти.

Ўз мухбиримиз.

Фаоллар йиғилиши

ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ЯКУН МУҲОКАМАСИ

Вилоят ҳокимлигида "2013 йилнинг 9 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масалага ҳамда келгусидаги ишлар муҳокамасига бағишланган вилоят фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ ва котибият мудирилари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари иштирок этган йиғилишда шу йилнинг ўтган 9 ойида вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий, архитектура ва қурилиш соҳаларида бажарилган ишлар натижалари, шаҳар ва туманларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнининг аёнлари, мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошканинги қишги захирасини яратиш, қишлоқ

чил амалга ошириш масалалари қўрилди. Вилоятимизда шу йилнинг 9 ойи давомида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш, таркибий ўзгаришларини чуқурлаштириш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларини диверсификациялаш борасида қилинган ишлар яхши натижа бергани таъкидланди. Хусусан, янги ички маҳсулот хисобот даврида 106,2, саноат ишлаб чиқариши 107,5, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштириш

105,3, пудрат ишлари 111, жами хизматлар 115,1, чакана савдо айланмаси 115,9, пулли хизмат 116,6 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 4362 та корхона, хисобот даврида 6 триллион 325 миллиард сўмлик турли саноат маҳсулотлари тайёрланди. Бунга Ангрэн шаҳри, Урта Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Зангиота ва Бўстонлиқ туманлари муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек йиғилишда, хисобот даврида бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Чунончи, маҳаллийлашти-

риш дастурига асосан Чирчиқ шаҳри ва Зангиота, Қўбрай, Янгийўл, Юқори Чирчиқ ҳамда Бўстонлиқ туманларидаги корхоналарда тайёрланган маҳсулотларнинг белгиланган режаси 45,5 фоизга бажарилиб, 8 та корхонада режадаги 12 та лойиҳа бажарилмагани, қолаверса, 3 та корхонада 5 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Йиғилиш сўнгида, вилоят бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари масъуллари йиғилишида шу йилнинг 9 ойида қилинган ишларни атрофлича ўрганиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш ва вазибаси юклатилди.

Йиғилишда республика Бош вазири ўринбосари Фулмон Ибрагимов иштирок этди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири,
Азамат АХМЕДОВ
олган суратлар.



Мавзуга қайтиб

«TAROMUSH» ҚУРГАН, ФАРОМУШ ҚИЛГАН...

Газетамизнинг шу йил 9 октябрь сониди "Бино битта, ташвиши мингта" номли мақола чоп этилган. Унда Бўка тумани 19-болалар мусиқа ва санъат мактабидagi муаммо ва камчиликлар тилга олинган. Орадан кўп ўтмай Оққўрғондан Хайрулла Мирзахмудов тахририятга қўнни-

роқ қилиб, ўзи раҳбарлик қилаётган 25-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам муаммолар талайгина эканлиги ҳақида кўнониб гапирди. Мурожат юзасидан мактабга борганимизда, бир гуруҳ ўқитувчилар юқоридagi мақолани муҳокама қилишгаётган экан.

– Шу мақолани чоп этиб, яхши қилибсизлар, – деди муассаса раҳбари Хайрулла Мирзахмудов. – Ичимизни кенгайтирган дардларни ёзибсизлар. Мактабимиздаги муаммоларнинг қай бириндан бошланган билмайман. Ҳозир сув муаммоси энг оғрикли нуктаимиз. Ҳатто, ёнгин хавфсизлиги жумраклари ва душхонада сув чиқмаяпти. Иккита мотор бўлиши керак, лекин битта қўйилган. У ҳам жуда қувватсиз. "Аристон" сув иситтичлари бешта бўли-

ши керак, лекин учтагина ўрнатилган. Улар ҳам аввал ишлаб қўрилган топширилмади. Қоровулхонамиз йўқ. Қоровуллар қабулхонада навбатчилик қилишади. Эстрада, хор, рақс хоналари, концерт залининг поли ва деворлари таъмирга муҳтож. Ҳозир бинони 1-қаватнинг икки томонига акфа эшиклар қўйилиши керак. Телефон ва кабель тармоқлари тортилмаган. Мактаб чегара деворларининг кўп жойида ёриқлар пайдо бўлган. Ташқаридаги пи-

(Давоми 2-бетда).



2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«Тошкент ҳақиқати»
газетаси индекси – 205.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлигида гапирилган эди

ФУТБОЛИМИЗ ЭРТАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Республика Президентининг "2011-2013 йилларда мамлакатимизда футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинганига уч йил бўляпти. Бу –

қарор ижросини таъминлаш учун етарли муддат. "Тошкент ҳақиқати" мухбири Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вилоят филиали директори Равадон Мулломонов билан шу хусусда сўхбатлашди.

– Сўхбатимиз аввалида вилоят футболининг кечажу кунига бир назар ташласак.

– Вилоятимиз футболни ҳақида гапиришга аргизулик ютуқлар кўп. Мен аввало вакилларимизнинг республика

футболи ривожига салмоқли ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ётмишчи йилларда Урта чирчиқлик марҳум Олим Аширов, Владимир Фёдоров, Михаил Ан миллий терма жамоамиз асосини ташкил этувчи етакчи

ўйинчилар бўлишган. Уларнинг издошларидан қизилтоғлик Фарход Магамедов, янгийўллик Абдуқаҳор Маъруфалиев, оққўрғонлик Бахтиёр Қамбаралиев мураббийлик лавозимларида фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Миллий терма жамоамизнинг бугунги мустаҳкам таянчлари ҳисобланувчи Александр Гейнрих Ангрэндан, Сервер Желаров чирчиқлик, Александр Шадрин ва Фозил Мусаев Бўжандан, Камолиддин Мирзаев Бекобод туманидан, Игорь Таран янгийўллик, Булар шунчаки, вакилларимиз эмас, балки аввал вилоятимиз футбол мактаби таълимни олиб, сўнг профессионаллик даражасига кўтарилишган ва эндиликда миллий терма жамоамизнинг муқим ва етакчи аъзоларига айланган. Умуман, мамлакат олий лигасида 40 дан зиёд вакилларимиз чиройли ўйин кўрсатишяпти.

(Давоми 4-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлигида гапирилган эди

Энди вилоятимиз футболнинг бугунги модий-техник базасига қайтсак. Юртбошимизнинг юқоридаги қароридан сўнг қандай ўзгаришлар юз берди? Аввало, қарорнинг моҳиятига мос ҳолда моддий-техник база кенгайтирилади...

лан бир вақтда мусобақаларнинг турларини ҳам кўпайтиряпмиз. Айниқса, вилоят чемпионати қатъий анъана тусини олган. Шунингдек, болалар лигаси мусобақалари ҳам мунтазам ўтказила...

футболини янада юқори кўтаришга қодир улар. Демак, база мустаҳкам, мураббийлар фидойи, ютуқлар ҳам шунга мутаносиб бўлса керак? Шундай. Кейинги йилларда вилоятимизнинг икки вакили...



ФУТБОЛИМИЗ ЭРТАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Вилоят ҳокимининг Давлатимиз раҳбари қарори ижросини таъминлашга оид шу йил май ойидаги фармойишида болалар ва ўсмирлар, аёллар ва бошқа ҳамма терма жамоалар ўқув-машғулоти...

мураббийларимизнинг беисноси, ҳаммалари футбол фидойилари. Улар кўп ҳолларда шахсий манфаатларини четга суриб қўйиб, вилоятимиз футболни шаъни учун астойдил ҳаракат қилишади...

амиз республика олий табақасида ажойиб ўйинлар кўрсатиб, совринли учинчи ўринни эгаллади. 1994-1995-йилларда турилган ўсмирлар ўртасидаги мини-футбол бўйича республика турнирида вакилларимиз голиб чиқди...

ри оромгоҳини барпо этиш мақсадини ҳисобга олмаганда, футболни ривожлантириш масаласида жиддий муаммолар йўқ. Қанийди шундай бўлса...

Умуман, "Қизилтоғ" спорт базасидан ҳар томонлама самарали фойдаланиш йўллари изляяпти. Масалан, дастлаб йигирма иш ўринли тикув цехи очилган...

Техник база футболни ривожлантиришнинг бирламчи омили. Ўйинчиларнинг маҳоратлари эса, бевосита машғулот ва тез-тез ўтказиб турадиган мусобақалар жараёнида шаклланади...

да 2000-йилда туғилган болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари ўртасида бўлиб ўтган республика биринчилигида вилоятимиз жамоаси зафар кўчди.

Спорт бор жойда муаммо ҳам бўлади, албатта. Хусусан, жойларда марказий ўйингоҳларни тартибли сақлашга эътибор яхши эмас.

Албатта. Ўйингоҳларни кўпайтириш, жиҳозлаш би...



Тўғри, вилоят маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими божқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғамаси вилоят бўлими, вилоят футбол федерацияси, "Ўзметкомбинат" ва "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик...

топишсин, бир амаллаб, эплашяпти. Аммо, жамоа фермаларида аҳвол оғир. Кўпнинг моли кўпники-да, ота. Жавобгарлиги оғир. Шунингдек, юқоридаги қарордан сўраб хат ёзсак: "Беллиланган тартибда ички имкониятлар ҳисобидан ҳал этинглар", деган жавоб олдидим. Нима қилишга ҳайронимиз. Ота, энди сизга ўхшаган обрў-эътиборли оқсо...

«СЕВИНЧ» — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон XIX миллий чемпионати якунланди.

Ўн бир жамоа иштирок этган чемпионатда голиблик учун кураш асосан Қаршиннинг "Севинч" ва Андижоннинг "Андижанка" жамоалари ўртасида кечди. "Севинч" мамлакатимизнинг энг кучли хотин-қизлар жамоаси эканини яна бир бор исботлаб, тўққизинчи мартаба Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

"Севинч" мусобақанинг йигирми учрашувидан ўн тўққизтасида голиб чиқди. Асосий рақиб — "Андижанка"га қарши ўтказилган сафар учрашувида дуранг натижага қайд этилди. "Андижанка" 47 очко билан кумуш медални қўлга киритди.

"Йиглаб келганга хўнграб чиқкин", деган иборани ким ўйлаб толгану биринчи бўлиб кимга нисбатан қўлланганга ҳақида бир нарса дейиш мушкул. Аммо ҳар сафар шу гап қулоққа чалинганда, туманимизда бир мунча раҳбарлик қилган Изаат Толмасовичнинг туташ бароқ қошларини серсавлат буй-баста кўз олдимиға келаверади.

Дарвоқе, раҳбаримиз бироз шоиртабиат эдилар. Бировга билдириб-билдириб, шёр-пер ҳам ёзиб турадиган одатлари бор эди. Аҳён-аҳёнда ўзларининг кўл остиларидаги туман рўзномасининг нақ ярим саҳифасида ул зоти шарифнинг шёрларидан намуналар ҳам бериб туриларди. Акахониимиз тушмағур, ўзларига болалиқда юққан бу "дард"дан бироз ийманаридилар ё мансабларининг нозиклигини дастихилола қиларидилар, ҳайтовур, газетда шёрлар босилса, остида "И. Толмас" деган тахаллус турарди. Жин урсинки, шунча муаммоларни хамирдан қил суғургандек хал қилиб ташлайдиган, ҳамма нарсага ақли етадиган раҳбаримизнинг зукколиги тахаллус танлашда панд берди: шундай табаррук ном туманимизда "итолмас" деган лақабга айланиб кетди...

Аммо гап бунда эмас. Биз ҳаёти давомида юқорида тилга олинган иборатга тўла-тўқис амал қилган раҳбаримизнинг ўз қабулларига келган фуқаролар билан муносабатда қандай қўлбола усуллардан фойдаланганларини бир эсламоқчимиз, холос. Масалан, ўша йиллар у кишининг қабулхоналарида котибалик қилган Нодирахоннинг ўзлари бу ҳақда шундай хангома қилиб бергандилар: — Изаат Толмасович янги ишга келган кунларининг ўзидаёқ чақириб, топшириқ...

бердиларки: "Қабулга келган ҳар бир фуқаронинг муружаатиға беписанд қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Бугундан эътиборан зууримизга ким келса, аввало, исми-шарифини ҳамда нима мақсадда, қандай юмуш билан келганини ипидан игнасизга ёзиб-чиқиб олисан. "Бир дақиқа кутиб туринг", дея мулозимат қиласиз-да, менинг ол...

гал хашак, 10-15 тонна омухта ем олиб бериш масаласини ҳал этиш учун келганлар. Нодирахон бобойнинг аруу холини оқизмай-томизмай ёзиб олади-да: "Маъзур тутасиз, отахон, бир дақиқа кутиб туринг" деганга, лик этиб раҳбар олдига қиради. Баридан оғоҳ бўлган раҳбар, қувлик қилиб қилиб: "Қани, отахонни тақлиф қилинг-чи", дей...

Отахон киргач, ичкаридаги суҳбат таҳминан шундай кечади. Изаат Толмасович: — Э-э, келинг отахон, келинг. Тан-жонингиз омонми, бунга эшак ўладиган совуқларда нима қилиб безовта бўлиб юрибсиз, айтсангиз ўзимиз олдингизга бормасидик? Отахон: — Шукр, ўғлим. Эл дарди билан юрибмиз-да. Ўзлари соғ-омондилар, туманинг ташвишлари чарчатиб қўймайяптими? Изаат Толмасович: — Э, сўраманг, ота. Бу иш, ташвиш дегани тугамасаканда, ўзи. Хозир, Тўрақўрган, Бешовли, Серкабоб томонлардан келаяман. Тўполон! Биласиз, бу йил чорвага азоб бўлди. Ем-хашак кам. Хонадонлардаги мол-қўзиларни-ку, эгалари барака...

Шундай иш тигиз пайтда ҳеч кимга отпусқа йўқ эмиш. Билсангиз, олти йилдирки, дам олиш нималигини билмайдим. Иш, иш, иш. Онамиз бизни меҳнатга туққан экан-да, холажон! Билсангиз, манга саби колгур таътили керак эмас, ишлайверамиз, фақат "отпускони мукофот" пулларимини олмақчимдим. Шу денг, тўй бошлаганимиз, қизимизга мебель олишимиз керак эди. Онаси икковимиз, таътил пулларимизни қўшсак, чорроқ бир мебель оларимизнинг, девдик-да, холажон. Ҳа-я, ўзларини қай шамол учирди...

Кампир бечора нима дерди. Шундай дейди-да: — Тўйга этиб келувдим, набиранимизни узатаймиз... Бирга бўлинглар...

Қўрдигизми, раҳбар бўлиш осон эмас. Шунча ташвиш, шунча муаммо. Қабулхонада коммунал хизмат кўрсатиш, сув, газ таъминотидагидан норизо бўлиб келган фуқаролар, мактаби исимаётган ўқитувчилар, обунаси юришмаётган туман газетаси муҳаррири, боринги, сигири қисир қолган бевадан тортиб, орасидан оламшўр ўтган эр-хотинларгача кутиб турибди. Аммо, хотирингиз ҳам бўлсинки, бизнинг Изаат Толмасович ҳаммасининг "сопи"ни ўзидан чиқараверадилар...

Аҳоли билан шундай қолган набирасига мебель олиши керак. Қўли бироз калталлик қилиб, туман раҳбаридан озроқ ёрдам сўраб келибди. Қўли билан бўлма-са, йўли билан, дегандек, раҳбарининг ҳеч йўқса, арзонроқ мебель топиб беришдан умидвор. Нодирахоннинг "оғиз шипшиди"сидан кейин раҳбар янги қарши оларкан, шундай "ҳасрат" қилади: — Э, юқоридиғиларга ҳам ҳайронман, "отпусқа"га деб ариза ёзсам, беришмаяпти.

Шундай иш тигиз пайтда ҳеч кимга отпусқа йўқ эмиш. Билсангиз, олти йилдирки, дам олиш нималигини билмайдим. Иш, иш, иш. Онамиз бизни меҳнатга туққан экан-да, холажон! Билсангиз, манга саби колгур таътили керак эмас, ишлайверамиз, фақат "отпускони мукофот" пулларимини олмақчимдим. Шу денг, тўй бошлаганимиз, қизимизга мебель олишимиз керак эди. Онаси икковимиз, таътил пулларимизни қўшсак, чорроқ бир мебель оларимизнинг, девдик-да, холажон. Ҳа-я, ўзларини қай шамол учирди...

Кампир бечора нима дерди. Шундай дейди-да: — Тўйга этиб келувдим, набиранимизни узатаймиз... Бирга бўлинглар... Қўрдигизми, раҳбар бўлиш осон эмас. Шунча ташвиш, шунча муаммо. Қабулхонада коммунал хизмат кўрсатиш, сув, газ таъминотидагидан норизо бўлиб келган фуқаролар, мактаби исимаётган ўқитувчилар, обунаси юришмаётган туман газетаси муҳаррири, боринги, сигири қисир қолган бевадан тортиб, орасидан оламшўр ўтган эр-хотинларгача кутиб турибди. Аммо, хотирингиз ҳам бўлсинки, бизнинг Изаат Толмасович ҳаммасининг "сопи"ни ўзидан чиқараверадилар...

Аҳоли билан шундай қолган набирасига мебель олиши керак. Қўли бироз калталлик қилиб, туман раҳбаридан озроқ ёрдам сўраб келибди. Қўли билан бўлма-са, йўли билан, дегандек, раҳбарининг ҳеч йўқса, арзонроқ мебель топиб беришдан умидвор. Нодирахоннинг "оғиз шипшиди"сидан кейин раҳбар янги қарши оларкан, шундай "ҳасрат" қилади: — Э, юқоридиғиларга ҳам ҳайронман, "отпусқа"га деб ариза ёзсам, беришмаяпти.

Шундай иш тигиз пайтда ҳеч кимга отпусқа йўқ эмиш. Билсангиз, олти йилдирки, дам олиш нималигини билмайдим. Иш, иш, иш. Онамиз бизни меҳнатга туққан экан-да, холажон! Билсангиз, манга саби колгур таътили керак эмас, ишлайверамиз, фақат "отпускони мукофот" пулларимини олмақчимдим. Шу денг, тўй бошлаганимиз, қизимизга мебель олишимиз керак эди. Онаси икковимиз, таътил пулларимизни қўшсак, чорроқ бир мебель оларимизнинг, девдик-да, холажон. Ҳа-я, ўзларини қай шамол учирди...

Кампир бечора нима дерди. Шундай дейди-да: — Тўйга этиб келувдим, набиранимизни узатаймиз... Бирга бўлинглар... Қўрдигизми, раҳбар бўлиш осон эмас. Шунча ташвиш, шунча муаммо. Қабулхонада коммунал хизмат кўрсатиш, сув, газ таъминотидагидан норизо бўлиб келган фуқаролар, мактаби исимаётган ўқитувчилар, обунаси юришмаётган туман газетаси муҳаррири, боринги, сигири қисир қолган бевадан тортиб, орасидан оламшўр ўтган эр-хотинларгача кутиб турибди. Аммо, хотирингиз ҳам бўлсинки, бизнинг Изаат Толмасович ҳаммасининг "сопи"ни ўзидан чиқараверадилар...

Аҳоли билан шундай қолган набирасига мебель олиши керак. Қўли бироз калталлик қилиб, туман раҳбаридан озроқ ёрдам сўраб келибди. Қўли билан бўлма-са, йўли билан, дегандек, раҳбарининг ҳеч йўқса, арзонроқ мебель топиб беришдан умидвор. Нодирахоннинг "оғиз шипшиди"сидан кейин раҳбар янги қарши оларкан, шундай "ҳасрат" қилади: — Э, юқоридиғиларга ҳам ҳайронман, "отпусқа"га деб ариза ёзсам, беришмаяпти.



УНИВЕРСИТЕТДА ОТИШМА

Американинг Шимолий Каролина штатидаги Гринсборо шаҳри университетидан юз берган ҳодиса жараёнида ўқ отиш қуроллари ишга солинди.

Associated Press агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, 21 ёшли йигит ўқдан яраланиб, шифохонага тушган. Дивайн Итман исмили ушбу талаба олган жароҳат ҳаёти учун ҳавфсиз эканини таъкидлашди шифокорлар. Унга бир ёки бир неча киши ҳужум қилганлиги хусусида таҳминлар бор. Бироқ, гумондорларнинг шахси аниқланмади. Хабарларда айтилишича, ўқ узганлар воқеа жойини тарк этишга улгурдилар.

Ушбу қишлоқ ҳужалиги ва техника университетидан хар йили ноябрнинг иккинчи ва учинчи дам олиш кунларида битирувчилар билан тантанали учрашув бўлиб ўтади. Шу боис Итманга ўқ узишлари сабабини аниқлашнинг имкони бўлмади.

Умуман, Америка ўқув муассасаларида бундай ҳодиса тез-тез бўлиб туради. Жумладан, 2012 йилнинг декабрида Коннектикут шаҳридаги мактаблардан бирига бостириб қирган 20 ёшли Адам Лэнза 26 кишини, жумладан 20 нафар болани отиб ташлаган ва сўнгра ўз жонига ҳам қасд қилган эди.

ФАБРИКАГА ЎТ КЕТДИ

РИА "Новости" агентлиги тарқатган хабарда Ҳиндистон пойтахти Нью-Дели марказидаги фабрикада юз берган ёнғун оқибатида олти ишчи, шу жумладан тўрт аёл вафот этиб, ўн киши жароҳатлангани маълум қилинди.

Шаҳар марказидаги чарм сумкалар ишлаб чиқарувчи икки қаватли фабрикада қутилмаганда ёнғин чиқди. Гувоҳларнинг айтишича, ўт ўчирувчилар етиб келгунча, бинони олов қамраб олишга улгурди. Биринчи қаватда бир неча ҳодим қочибга илож тополмай, қамалиб қолди. "Ёнғинни ўчириш жараёнида 7 та машина ҳаракатга келтирилди, — деди ёнғин хизмати вакили. — Оловни ўчириш учун уч соат вақт сарфладик. Афтидан ёнғин чиқибга электр симларининг қиска туташуви сабаб бўлган".

НАҲОТКИ, ЎЗ ХОТИНИНИ ЎЛДИРГАН БЎЛСА...

Бельгиялик танкичи сибатчи, Есоло яшиллар партиясининг асосчиси ҳамда Бельгия парламент вакиллар палатаси депутати Бернар Весфаль ўз хотинини ўлдирганлигида гумон қилиниб, ҳибсга олинди, дея хабар тарқатди ИТАР-ТАСС.

Весфаль рафиқаси билан денгиз қирғоғида жойлашган Остенд меҳмонхонасида бир неча кун дам олиш учун тўхташди. Бир кун кечкурун у меҳмонхона маъмуриятига кўнгирак қилиб, аёли ваннада чўкиб ўлганлигини ҳаяжон билан маълум қилди. Шошилинч этиб келган кутқарувчилар аёлни қайта тириктиришга кўп уриндилар. Бироқ, "Интерфакс"нинг маълум қилишича, аёлни кутқаришнинг иложи бўлмади. Полиция ҳодимларида эса Бернар ўз хотинини ўлдиргани хусусида гумон пайдо бўлди.

Айни пайтда сибатчи ўзига қўйиладиган расмий айбловни кутиб ётибди. Қандай айблов қўлланилиши эса марҳумнинг жасади тиббий экспертизадан ўтказилгандан сўнг маълум бўлади.

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ ДАРОМАДИ САЛМОҚЛИ

Африка Мугузида ҳаракат қилаётган денгиз қароқчилари 2005 йилдан 2012 йилгача гаровга олинганларини қайтариш учун 400 миллион доллардан кўпроқ пул ишлашган.

Қароқчиларнинг ушбу ноқонуний "иш ҳақлари"ни Бутунжаҳон банки ҳамда БМТ экспертлари ҳисоблаб чиқибди. Улар тақдим этган қўша маърузада келтирилишича, қароқчи гуруҳининг оддий азбоси бўлиш нафақат номақбул, балки ўта хавфли ҳамдир. Зеро, тўлов пуллари асосий қисми уларга эмас, балки қароқчилар ҳаракатининг теласида турганларга тегади. Оддий қароқчилар эса битта кемадан 30 мингдан 75 миң долларгача олишади. Бу 0,01 фоиз деган гап.

САМОЛЁТ НЕГА ҚУЛАГАНИ НОМАЪЛУМ

Германиянинг Кобур шаҳри (Бавария федерал ери) ақинида ҳалокатга учраган енгил моторли самолётдаги уч киши ҳалок бўлди.

Маҳаллий полициядан хабар беришларича, самолёт радардан йўқолиб қолганидан сўнг кутқарув хизмати дарҳол ишга киришиб, қидирувни бошлаб юборди. Натижада Юқори Франкони маъмурий округи ҳудудидаги тоғли ўрмондан самолётнинг парчалари топилди.

Ушбу фожиа хусусида бошқа ҳеч қандай маълумотлар келтирилмапти. ИТАР-ТАССнинг таъкидлашича, самолётнинг нима сабабдан ҳалокатга учрагани ҳам номаълумлигича қолмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TOHKENT HAQIQATI. BOsh MUHARRIR: Ubaydulla ABDUSHOXIDOV. MA'NZILIMIZ: 100000, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchasi, 32. e-mail: th.tp@mail.ru. TELEFONLAR: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks). 233-12-83, 233-48-08. Toshkent viloyati Matbuot va axborot bo'sqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Navbatchi muharrir: Sayra RIXSIEVA. Navbatchi: Bekzod XIDJOYTOV. Sa'xifalovchi: To'xir MA'XMU'DX'JAEB. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Buyurtma J 8429. Adadi 6938. Baxosi kелишилган narxda. Xajmi - 2 tabok, ofset usulida bosildi, qogoz bichimi A-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.40.